





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI

SAMARQAND QISHLOQ XO'JALIK INSTITUTI



ЧОРВАЧИЛИК ҲАМДА ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНИ ЮТУҚЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республика илмий-амалий
конференцияси



Самарқанд – 2010

ТОВУҚ ЭЙМЕРИОЗИНИНГ ПАТОЛОГОАТОМИК ТАШХИСИ

Илмий раҳбар ветеринария фанлари доктори Р.Б. Давлатов,
аспирант Н.А. Имомов, аспирант-тадқиқотчи Хўжамшукуров А.Н.
(Самарқанд кишлок хўжалик институти)

Аннотация. *Товуқ эймериози жўжалар ва ёш паррандалар орасида кўп учровчи паразитар касаллик ҳисобланиб, ветеринария амалиётида аниқ ташхис қўйиш баъзан муаммоларга сабаб бўлади. Чунки эймериоз колибактериоз, пуллороз ва бошқа юқумли касалликлар билан аралаш кечиб, қиёсий ташхиси белгилашда айнан эймериозга хос патологоанатомик ўзгаришлар муҳим фарқловчи белги ҳисобланади.*

Калит сўзлар. *Товуқ, эймериоз, колибактериоз, пуллороз, патологоанатомик, инвазия, эпизоотик.*

Кириш. Паррандачилик тармоғи чорвачиликда долзарб соҳалардан ҳисобланиб, сўнгги йилларда мазкур тармоқни ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор берилган ҳолда парранда бош сонини кўпайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш микдорини оширишга йўналтирилган лойиҳалар ижро этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 декабрдаги 02/2-132 сонли йиғилиш баёнининг 2010 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли таъминлаш, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни тўлиқ таъминлаш ва бозорлардаги нархлар барқарорлигини сақлаш учун паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган қарори ижросини ташкил этиш ва белгиланган вазифаларни бажарилишида амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида республика ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу дастурни ижроси доирасида 2010 йилда паррандалар бош сонини ва тухум ишлаб чиқаришни 30 фоизга ошириш режалаштирилган. Яъни, паррандалар бош сонини 42 млн. 933 минг бошга, тухум ишлаб чиқаришни 3 млрд. 530 млн. донага етказиш мўлжалланган (1).

Товуқчилик хўжаликлариде ушбу кўрсаткичларга эришиш учун самарали ветеринария хизмати муҳим аҳамият касб этади. Чунки товуклар орасида қатор юқумли, паразитар ва юқумсиз касалликларнинг учраши доимий равишда кузатилиб, айниқса, ёш ва ўсувчи жўжалар орасида уларнинг кўплаб ўлиши, ўсиш-ривожланишдан ортада қолиши, озуқа сарфи ҳамда ветеринария харажатларининг ортиши эвазига хўжалик соҳиби катта иктисодий зарар кўради (2).

Хусусан, биз ўрганаётган товук эймериози инвазияси ҳам паррандачилик тармоғига катта иктисодий зарар келтирувчи паразитар касалликлардан ҳисобланади (3-4).

Материал ва методлар. Товуқ эймериозини ўрганишга бағишланган дастлабки текширувларимиз Тошкент вилоятининг Бўка ва Қуйичирчик туманларидаги фермер ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар қарамоғида асралаётган кичик товукчилик фермалари шароитида ўтказилди.

Ушбу товукчилик фермаларида алмашинмайдиган тўшамалар шароитида ўстирилаётган ёш жўжалар, ўсувчи жўжалар ва товукларни клиник кўрикдан ўтказиш, капрологик текширув усулларини қўллаш ҳамда ўлган ва мажбурий сўйилган касал паррандаларнинг гавдасини патологоанатомик ёриб кўриш усулида текшириб аниқланган патологик ўзгаришлар асосида якуний ва қиёсий ташхислар белгиланди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Товукларнинг эймериоз касаллиги, ўткир, ярим ўткир ва сурункали кечувчи касаллик бўлиб, кўпинча 10-80 жўжалар касалланади. Айниқса, 3-8 ҳафталик даврда касаллик жуда ҳам оғир кечиб, ўлим ҳолатлари кўп бўлади. Касаллик баҳор ва куз фаслларида кўпроқ учрайди ва зарарланиш жараёни сув ва озиқа орқали (алиментар) йўл билан содир этилади. Инвазиянинг тарқалиши касал товуклар ва жўжалар орқали бўлиб, озиқаларда, сувда, охурларда ва ҳар хил инвентарларда эймерия ооцистларининг мавжудлиги натижасида зарарланади.

Касалликнинг яширин даври 4-7 кунни ташкил этиб, ориклар, озукадан бош тортиш, холсизланиш ҳолати бўлиб ич кетиш кузатилади. Зарарлангандан сўнг 6-7 кунларида, баъзи ҳолларда эса 3-5 кунларда ўлим кайд этилади.

Ўлган паррандаларни жасади ёриб кўрилганда, гавда жуда орик, клоака атрофи ифлосланган, кўз конъюнктиваси, кулок сиргаси оқарган ҳолатда бўлиши кайд этилди. Асосий патологоанатомик ўзгаришлар ичакларда кузатилиб, айниқса, эймериялар билан зарарланган ичак шиллик пардаларида геморрагик ялиғланишлар ва нуқтали қон қуйилишлар аниқланди. Жигар ва талок бироз катталашган бўлиб, айниқса, жигар юзасида майда оқ некротик ўчоқларнинг мавжудлиги яққол сезилди. Йўғон бўлим ичаклар, хусусан кўр ичак ўсимталари шиллик пардалари юққалашган, баъзи жойларда кенг тарқалган некротик ўчоқлар-яралар ҳолатида кайд этилди. Ушбу ҳолатнинг натижасида касал жўжаларда қон аралаш ич кетиши кузатилади.

Касалликка яқуний ва қиёсий ташҳис қўйиш учун эпизоотик маълумотлар, клиник белгилар, патологоанатомик ўзгаришлардан ташқари лаборатория таҳлили натижалари ҳам инобатта олинди.

Хулосалар. Товуқ эймериозини ўрганишга оид дастлабки тадқиқотларимизнинг натижалари шунини кўрсатдики, Бўка ва Қуйичирчиқ туманларидаги текширувлар ўтказилган кичик товуқчилик фермаларида эймериоз касаллиги доимий учровчи, кенг тарқалган инвазион касалликлардан ҳисобланиб, патологоанатомик текширув усули амалиёт шароитида қиёсий ташҳис қўйиш учун ҳал қилувчи патологоанатомик далилларни кўрсатувчи усуллардан бири сифатида эътироф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиш баёни, 15 февраль 2010 йил, № 03-35-20.
2. Давлатов Р.Б., "Эймериоз кур и его ассоциация с колибактериозом в условиях Узбекистана" Автореф. докт. дисс. Самарқанд 2008.
3. Давлатов Р.Б., Н.А. Имомов "Товуқчилик фермаларида ветеринария санитария тадбирлари", "Фермер хўжалигини ривожлантириш истикболлари". Самарқанд, 2007 й, 87-88, бетлар.
4. Давлатов Р.Б., Ниязов Ф.А. Товуқ касалликлари Самарқанд 2002.б. 14-16.

ВЕТЕРИНАРИЯ СОҲАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

Доцент-Маматова М.Н.
(Самарқанд қишлоқ хўжалиқ институти)

Аннотация. *Ветеринария соҳасида қутуриш касаллигига қарши олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг самараси, перорал профилактик усулнинг иқтисодий самарадорлиги, экологик муносиблиги ва Республикаимиз ҳудудини соғломлаштиришидаги ўрни кўрсатилган.*

Юрт фаровонлиги учун шу соҳада иш олиб бораётган ташкилот раҳбарлари ва мутахассислар томонидан ёш кадрларнинг малакасини ошириш йўлида қилинаётган амалий ёрдамлари ёритилган.

Калит сўзлар. *Қутуриш, инфекция, эпизоотия, зооантропоноз, антиген, антирабик, профилактика, перорал.*

Кириш. 2010 йил 1-3 март кунлари ўтказилган инновацион технологиялар ва лойиҳалар III Республика ярмаркасида СамҚХИ олимлари билан бир каторда илмий-тадқиқот ишларимизни амалга жорий қилиш мақсадида "Чорва моллари, уй ва ёввойи гўштхўр ҳайвонларнинг қутуриш касаллигига қарши донатор антирабик вакцина ва маҳаллий хомашёдан чиқариш" инновацион лойиҳаси билан катнашдик.